



ЧИМИЛДИК

"ТУРКИСТОН" газетаси иловаси

-- деган умидда "Туркестон" саҳифалари ичра қўш саҳифа очмоқни ният қилдикки, сиз азиз муштариylар билан Оила деб аталмиш муқаддас даргоҳнинг ўзига яраша ташвишу кувончларини биргаликда баҳам кўрмоқ истадик.

Мана қўлингизда "Чимилдик"нинг нишонасони. Илова газетамизнинг бундай аталиши бежиз эмас. Инсон ҳётининг эзгу ниятлар ила қадам қўйган беғубор остоаси ҳисобланган бу гўшангга иккى ёни бегоналардан асрарувчи девор вазифасини ўтайди. Унга кириш насиб қилгунга қадар кечган фурсат ўйлари ва келгуси ҳаёт ҳақидаги ширин орзуласи чимилдикда айтилади, албатта. Сизгатасодифан баҳт вальда эттувчи "Сиз ўшами?" деган берилган саволдан бошлаб умримиз охиригача давом эттувчи муаммолар сири оз бўлса-да сизга "Чимилдик" орқали

Сирли кўпrik

аён бўлса ва у сизнинг энг яқин сирлошингизга айланса, биз ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

Кимdir сирли гаплар сирлигича қолгани маъқул, дей эътироz билдириши мумкин. Лекин кимdir ўзгалардан сўрай олмаган саволларига жавоб топса, бунинг нимаси ёмон.

Хар тонг ўз мақсадимиз ила турмушнинг қай кўчасига бош сукмайлик, албатта бир муаммонинг гувоҳи бўламиз. Бошимиз тошга урилган пайтда эса ўйлаб қоламиз. Ҳаёт ҳамиша шундай давом этганмик? "Ҳа" деб ўз-ўзимизгатасалли беришга ҳам асос бор. Ахир ўртадан нимадир ўтмаганида Одам Ато билан Момо Хаво жаннатдан қувилармиди? Аёл таъкидлантан мевани еб қўйган учун улар жаннатдан қувилган, дей аёлни айблаша шошибийлик. Яхшилаб ўйлаб кўринг, жаннат, яъни осойишта оиланинг бузилишига эркак ҳам сабабчи эмасми?

Четдан туриб ҳаммана айблаш осон, албатта. Лекин оёғимиз остида турган кўнгилсизликларнинг олдини олиб, бир-бири мизга фойдала маслаҳат бериш орқали Сиз билан Биз катта бир муаммоларни осонгина ҳал қилишимиз мумкин

"Чимилдик" бизнинг ана шундай ажойиб дўстлигимизни боғлагувчи сирли кўпrik бўлади деб ишонамиз.



Муштарий дил қўтилисидан

АЙБСИЗ АЙБДОРМИЗ

Севиб турмуш қурдик. Тўйгача бизга ҳамма ҳавас қиласди. Энди эса қай биримиз оиласиди бузилишига сабабчи эканлигимизни билмаяпмиз.

Мактабда, уйимизда тарбия, одоб-ахлоқ ҳақида кўл гапиришиди. Қайнонага яхши муносабатда бўлиш керак, янги оиласиди бу мумкин, бу мумкин эмас дейишиди. Аммо ҳеч ким чимилдикқа кирадиган йигит-қизга бўлажак ҳаётни қандай бошлаш ҳақида гапирамайди, ўргатмайди. Ўзимиз бўлсанк китобларни тишишга уяламиз.

Катталар ўшларни ҳар балога ақли етади, енгил ҳаётга ўрганган деб айблашади. Ундан эмас. Бувим 13 ўнда турмушга чиқсанларини кўп гапирадилар. Энди ўйлаб қарасам уларга шу ёшида оиласиди эр-хотин муносабатлари ўргатилган эканки, яхши яшаб, ували-жували бўлишган.

Илтимосим, газетангизда келин-кўёв ўртасида кечадиган ҳамма ҳолатлар ҳақида очиқасига ёссангизлар. Улар мактабларда ўғил болалар, қизлар учун алоҳида дарс сифатида ўтила.

МУКАРРАМА,
Тошкент вилояти.

МЕНГА ШУНДАЙ ЁР КЕРАК

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар"ини севиб ўқишиман. Ҳар гал Кумушбинонинг "Сиз ўшами?" дейилган саволи менга айтилаётгандек туюлади. Тушларимда ҳам шу ҳолатни кўраман. Биламан, ҳозир Отабекларни топиш мумкин, лекин Кумушдек қизни ахтариб овора ҳам бўлмаслик керак. Қайси қизга совчи қўйсангиз унинг ўйидагилари иккى ёш олдин учрашсин, бир-бирига ёқса ундан кейин биз розимиз дейишиади. Учрашувга чиқсан қиз ҳали йигит ўйланишга розими, йўқми унга шарт қўяди. Олдин қайси қиз билан юрганини ҳам суриштиради.

Талабалик йилларим Нозима исмли қизни яхши кўрардим. Унга билдириласдан уйига совчи юбордим. Билмаган, синамаган одамимга турмушга чиқмайман дебди. Наҳот қизлар кутилмаган баҳтни исташмас...

МУҲАММАДЖОН,
Норин тумани

Муҳаммад ЮСУФ

СИНГИЛЛАРИМ

Ота уйда ўтар умр тушдайгина,
Сабр берсин, ойдан сулув сингилларим.
Бир кун учуб кетарсизлар қушдайгина,
Сабр берсин, ойдан сулув сингилларим!

Кўпга келган тўйда кўнгил сўрашлар йўқ,
Ростми-ёлғон ийғингизга қараашлар йўқ --
Ака бўлиб, ҳол сўрашга ярашлар йўқ --
Сабр берсин, ойдан сулув сингилларим.

Сиқилганда -- кўзёш топган давлатингиз,
Бешик билан бўлар энди суҳбатингиз.
Қизил гулдай оқиб кетар қиз пайтингиз,
Сабр берсин, ойдан сулув сингилларим.

Холбуки -- халқ бутун Аёл азиз жойда,
Она яйраб яшамаса миллат қайдада.
Она деган сўз олдида дунё -- майда,
Сабр берсин, ойдан сулув сингилларим.

Ота уйда ўтар умр тушдайгина,
Бир кун учуб кетарсизлар қушдайгина.
Тўзим берсин жонингизга муштдайгина --
Сабр берсин, ойдан сулув сингилларим!

МУХТАРАМА

НОЗИНТИЗНИ ИССИК КИЛСИЧ

Баҳт қасрини орзулаган келин, куёв,
Айтай десам, кўпdir сизга ўйлаганим.
Ишқнинг сирли кўшикдир бу, йўқдир
биров,

Остонада сизга аввал сўраганим:
Чимилдикда юзингизни иссиқ қилсан,
Рўзи азал шу толени ёзук қилсан.

Үктам ийгит, келинчакни ийлар, йўллар --
Излай-излай топган Лайлум, Барчиним, денг.
Мунис синглим, эзгуликни меҳр қўллар,
Дил таҳтига султон бўлди лочиним, денг.
Чимилдикда юзингизни иссиқ қилсан,
Рўзи азал шу толени ёзук қилсан.

Бошингиздан зар сочсалар, уйингизда --
Чақнаб ёнган чироқчалик қувонч бермас.
Хушёр бўлинг, собит бўлинг кўнглингизга
Мезбон бўлиб баҳт қуши ҳар кунда келмас.
Чимилдикда юзингизни иссиқ қилсан,
Рўзи азал шу толени ёзук қилсан.

Момомерос чимилдик бир-бирингизни --
Чиндан топган самовий сир, бекат бўлсан.
Гулдек асранг ундағи ҳар сирингизни,
Уша гулнинг умри азиз, абад бўлсан,
Чимилдикда юзингизни иссиқ қилсан,
Рўзи азал шу толени ёзук қилсан.

РЎЗФОРИНГИЗГА БАРАКА

Ҳеч пайқаганмисиз, кўпинча оиласадиги можаролар моддий масалага бориб тақалади. Аёл киши турмуш ўргонини нулона билмасликда айблайди. Эрраклар бўлса, аёлларга рўзғорни тўғри тортига олмайтганликларини неш қилишади. Топар-

кил қилиши ва ундан са- марали, оқилона фойда- ланиши ҳар бир хонадонинг фаровонлиги гаро- видир.

Бугунги суҳбатдоши- миз Улугбек ва Умидга Ис- роиловлардир. Улугбек 27 ёшида, Умидга эса 24 ёшида. Қизлари Нафиса эндиги- на уч ёшига қадам қўиди. Уларнинг рўзгор ту-

учун ойига 2000 сўм сар- флаймиз. Кийим-кечак, рўзгор буюмлари учун ўртача ҳисобда 5 минг ҳарж қиламиш. Яқинда уйимизни 25 минг сўмга таъми- ладик. Бир қарашда буйойлик етмайдиганга ўхшайди. Лекин ойлик шу экан, деб қўл қовуштириб ўтирумайман. Бўш вақтларимда маши- намда йўловчи та-шиб, кира қиламан. Ҳар ҳолда бу ҳам да- ромад манбаи-да.

Энди гапни Умиддан эшитсан:

-- Мени назарим- да рўзғорни фақатгина эркак ки- шининг зиммасида қолдириш ҳам ин- софдан эмас. Тош- Дунинг кимё фа- культетини битирган- ман. Бироқ бошқа соҳани танлашга тўғри келди. Аниқроғи, ҳозир сарта- рошонада ишляпман.

Ойига кўдимга 7 минг сўм тегади. Ёғ, гўшт, гурч, ун каби маҳсулотларга 5600 сўм пул сарф бўлади.

қиламан. Ҳозирча ота- оналаримиздан ёрдам сўрашга ҳожат йўқ.

Бор пулни расамади билан ишлатишга қўлдан келганича ҳаракат қил- япмиз.

НАРГИЗА

кўп бўлса кетади”, деган ҳикмати гап- лар бор. Баъзан “Ҳамма нарса қим- мат бўлиб кетди, олган маошимиз ҳеч вақоға етмаяпти” деда гўёки зорланаб айтилган гаплар қулоқка чалиниб қолади. Агар дурустроқ суруштириб қарасангиз, айнан ўша полувчиларнинг ўзлари аслида катта-катта маош олишади-ю, сар- флашга келганда пулни ўринисиз сову- радиilar. Беҳуда “ҳотамтоилик” эса зарардан бошқа на- рса эмас. Бугундан эртанинг нурағишон, баракали бўлшии эр- кагу аёлга бирдек боғлиқ. Қолаверса, озга қаноатлилик, кўпга тежкамкорлик билан ёндаши фой- дадан ҳоли эмас. Энг муҳими пулнинг қулигизда - қачон ва нимага сарфлай олиши билсангиз бас.

Пульнигиз қўлинигизда

мон-тутармонликни ҳам ўзи ҳос маҳорат санасак, янгишманинг бўламиш, лекин қийинчилик билан топилган маблагни тўғри ва унумли сар- флай билиш ҳам ўзиға яраша тадбиркорлик- дир.

Гап нима хусуси- да кетаётганини сез- дингизми? Оила бюд- жетини тўғри таш-

тишилари ҳеч кимни бе- фарқ қолдирмаса керак.

-- Ўзбек-турк қўшма корхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлайман, -- дея ҳикоя қилади Улугбек. -- Үн минг сўм ойлик ола- ман. Оиласидан мустақил. Үз рўзғоримизни ўзимиз юритамиз. Машинам бор. Уч хоналиқ кварти- рада яшаймиз. Үй-жой- дан фойдаланганлик, те- лелефон, коммунал хизмат

тадбирни ҳаёт ўйгит, қизлар нечоғи маълумотга эга?

Мактабларда айни шу борада бе- рилаётган таълим-тарбия қониқар- лими?

Пойтахтдаги 64-ўрта мактаб директори Ҳалимаҳон ҲАЙИТБОЕВА ва "Одобнома" фани ўқитувчиси Ҳусан ЭГАМБЕРДИЕВ билан шу ҳақда

ўрта мактабни битирган ёшлар балогат остоносидаги эмас, балки айни балогат фаслига кирш қелган ўйгит-қизлардир. Мактабдан кейин улар мустақил ҳаёт ўйнини бошлайди. Ийсон маънавиятининг бир муҳим жиҳатини ифодалайдиган жиссий тарбия ҳақиқиёт ўйгит, қизлар нечоғи маълумотга эга?

Мактабларда айни шу борада бе- рилаётган таълим-тарбия қониқар- лими?

Биласизми, шунақанги саволлар берадиларки, беихтиёр хушёр торта-

УНИ КИМ ЎРГАТАДИ?

СУҲБАТЛАШДИК.

Ҳ.ЭГАМБЕРДИЕВ: Уч йилдан бўён юқори синфларга одобномадан дарс бераман. Буфандастурда “Оила, никоҳ, келин-куёвлик” деган мавзулар бор. Лекин, айни шу мавзулар асосида ўтилган дарсларда ўғил-қизларга жиссий тарбия бўйича чукур маълумот бериб бўлмайди.

Қизлар бошларини эгиб, парт- аниг тагига кириб алоҳида гаплаш- ган пайтларда уларни кўп саволлар қизиқтиришини билиб оламан. Лекин тан оламан,

сан. Аксарият қизлар ўзларининг қизлиқшашни, иффатини йўқотсалар, уни қайта топиб бўлмаслигини ҳам билмайдилар, чунки, ҳеч ким бу ҳақда гапирмаган.

Ҳ.ЭГАМБЕРДИЕВ: Мен мактабда йигирма етти ѹйдан бўён ишлайман. Собиқ битирувчиларимиз орасида ҳаётда ўз ўнини топиб олганлар кўп. Лекин адашганлар ҳам йўқ эмас. Айнан жиссий тарбияга оид маълу-

моти, мана шу соҳа билан боғлиқ ҳуқуқий тарби-

јаси бўлмагани туфайли ҳатто жиноятга кўл урганлари ҳам учрайди. Улар билан гаплашсанг: “Мен бу тўғрида билмасдим”, -- дейдилар.

Яқинда битирувчидан бир: “Биз бешинчи синфчага мактабга ўқиш учун келган бўлишимиз мумкин. Энди эса ҳаёт дарсими ўргангани келамиш”, -- деди. Шундан холоса чиқарайлик. Ўғил ва қизларни энг аввало ҳаётга тайёрлайлик.

М.УЛУГОВА сұхбатлаши.



“Шунга пул сарфлаш шартми...

Үйда бўш қолганимда кийим-кечак, тикиш учун буюртма қабул қиламан. Ойига 7-8 минг сўм кўшимча даромад

Таҳририятда: Ҳалқимизда “Ҳисобини билмаган, ҳамёнидан ай- ришлилар”, “Оз бўлса етади,

ЎНДА НАГИЗИМ...

Тўй даврасида эдик. Куй авжида. Бирдан чекка столда ўтирган ўш- яланлар орасида гала-ғовур бошланниб қолди. Еши каттароқлар “ҳай- ҳай” дегунларича нимадир синди, нимадир ағдарилди. Бу ҳолат узоқ давом этмади, бир-бирига қараб бollaҳонадор сўқинаётган икки йигитчани икки ёққа судраб кетишиди. Маълум бўлишича, бирининг олди- га қўйилган ароқни шериги билмай наригисига узатиб юбориби. “Мени низарга имлади, камситди, фалончини баланд кўрди” деган гап билан шу ўйиқт башланган экан.

Даврадагилар “Ҳа, йигитчиликда, бўлиб туради”, дейишиди. Бу гап менга жуда таъсир қилди. Оддин ҳам шунга ўшаган бир ҳолатларга “йигитчилик” деган ёрлиқ ёпиширишганларини эшитганман.

Иштирок этганим, судда бир йигитнинг жинойиши кўрилди. Эри армияда бўлган бир қўши жуонга ширақайфлигида тегинмоқчи бўлиби. Ушандайм ўша йигитни ҳимоя қилишга келган яқинлари “Ҳа, йигитчиликда, бўлиб туради, қиз бола эмас экан-ку, бунча ваҳима қиласизлар?” деган эди.

Қаёндан бўён “йигитчилик” деган тушунчанинг маъноси бу тарафа ўзгарди?

“... Паҳлавон отига сакраб ми- ниб, мильтигини ёнбошига осиби. “Кўйинг борманг, у одамхўр-ку, Сизни ҳам ейди” деб йиглабди бугун ўша маҳлуққа емиш бўлиши керак бўлган соҳибжамол қиз. “Мен йигит- ман, -- сизларни одамхўрга ем қилиб қўймайман!” дебди йигит ва отига камчи урибди”.

Бир пайтлар энам бизга айтиб бер- ган эртаклар таъсиридами, йигитчилик дегандан биз мана шундай мардо- налини тушунардик.

Йўқ, факат эртакда эмас, ҳаётда ҳам шундай воқеаларга дуч келган- ман.

... Бир қиз бўларди -- ниҳоятда чиройли. Кўримсизроқ йигит унга кўнгил қўиди. Аммо қиз бошқасига тегди. Тўйсиз, никоҳсиз у хонадонга боргани учунми, қадри бўлмади, қай- тди.


Ота-онаси ҳам “оқ” қилган қиз шаҳарнинг ҳар кўчасида санғиб қолди. Бундан хабар топган ўша кўримсиз йигит гап-сўзларни босиб ўтиб, қизни ўз никоҳига олди.

“Мен йигитман. Яхши кўрган аёлнимнинг ҳар кимларга оёқости бўлишини кўтара олмайман” деди.

Ким нима гапирса, гапирсин-у. Аммо мен ўша йигитнинг мардлиги- ни “йигитчилик” дейман.

... Яқинда қариндош йигитларнинг бир йигинига бориб қолдим. “Яна гапми?” десам, йўқ. Улар бир ойда бир марта йигилишиб, ойлик даромадидан оз-оздан пул тўплашар экан. Бахтсиз тасодиф туфайли ногирон бўйи қолган ва қамалган синфдошларининг оиласига ёрдам беришар- кан. Йигитларнинг бу ишларини кўриб беихтиёр хаёлимга “йигитчи- лик” деган сўз келди. Ҳар ҳолда йигитчилик шашн, ор-номус, қадр, мард- лик, белгиси, зинҳор-базинҳор ҳовлиқмалик, енгилтаклик, кибру ҳаво белгиси эмас. Мен шундай ўйлай- ман.

ҚУТЛИБЕКА



Жиссими дунё
имонасизми, тўққиз
этизак-а!

Мехиканинг Чиуауа штатидаги аёллар шифохонасида 29 ёшли Н.Кристиана тиббий кўрикдан ўтказилганида шифокорларнинг оғзи ланг очилиб қолди: тиббиёт жиҳозлари аёл бағрида 9 нафар ҳомиласи борлигини кўрсатди. Бунақаси иллари бўлмаган экан.

Касалхона бош шифокорининг фикрича, худо хоҳласа, 9 нафар гўдакларнинг эсон-омон дунёга келишлари учун барча шарт-шароитлар етарили.

Кристиана ҳозир ҳомиладорликнинг бешинчи ойини бошдан кечирмоқда. Врачлар унинг кўзи ёришини тезлаштиришни ҳам ўйлаб туришибди.

(Хориж матбуотидан)

4

ЧИЖИЛДИК

1998 йил 28 февраль

Дастлаб назар ташлаганингизда мактаб деорининг орқа томонида синиқ партага суялиб мириқиб сигарет чекаётган болакайни илғамаслигинги мумкин. Ахир, болалар бундай маҳфий "машғулот" учун пана жойни танлайдилар да.

Шу пайт иккинчи Кашибандавой ҳам етиб келиб аста шипшиди: "Чекишдан ол, менга ҳам".

-- Ҳорманглар, йигитчалар! -- дедим овозимга жиддийроқ тус беруб. Афсуски, йигитчалар мен кутганимдай бирдан кўркиб кетмадилар. Шунда мен ҳам улар билан бошқача гаплашиш кераклигини англадим.

-- Вой-бўй, зўрсизлару! Сигарет чекадиган "кatta йигит" бўлиб қолиблизилар да!

"Катта йигит" лар хурсанд илжайишиди.


-- Сигарет чекиши маза бўлса керак-а?

-- Ҳар доим дадам чекаётгандариди роса ҳавасим келарди. Буни ўртоғимга айтсам у ҳам дадасига ҳавас қилиб юрган экан. Иккаламиз гапни бир жойга кўйиб сигарет ўғирладик. Албатта, дадамизнинг чўнгакларидан.

Биринчи марта тортишимда томогимга аччиқ тутун кирган заҳоти кўнглим алаға бўлиб роса йўталдим. Ўн минутлар утгандан кейин эса енгил бўлиб қолдим. Худди учб кетаётгандай қўнглим ўзимни. Ушандан кейин тез-тез чекиб турмасам, бошим айланиси, оғрийдиган бўлиб қолди.

-- Факат иккоВларингиз чекасизларми? Бошқа синфдошларингизи маҳдидими?

-- Айтсам бошқа болалар ҳам қизиқиб қолишган. Фақат баҳром



Ана тоноша!

ЧЕКИШ РОҲАТМИ,

ҳам бизга қўшилиб чекадиган бўлиб қолди.

-- Акаларинг борми? Улар ҳам чекса керак?

-- Иккита акам бор. Иккаласим чекади. Дадам кўп уришадилар. Лекин ўзлари доим чекавергандар учунни, акаларим ҳам ёч чекиши ташлай олмадилар. Илгари "Родопи" чекишарди. Телевизорда "ХОН"ни реклама қилиш-

гизни ўқитувчиларингиз кўриб қолмагами?

-- Кўрган. Роса қулогимиздан чўзиб: "Кашандалар, безорилар. Иккичи кўрмай бундай қилиб турганингизни" деб роса уришандар. Яна айтганларки, бир дона сигаретдаги никотиндан от улиши мумкин экан.

-- Унда яна вега чекајсан?

-- Шунчалик ёмон бўлса ўқитувчимизнинг ўзи чекмаган бўларди. Та наффус пайтлари доим чекиб ўтиради-ю...

Йигитчаларинг гапида жон бор эди. Мен уларга нима деб дакки беришини билмай қолдим.

-- Катта бўлганинга ким бўлмоқчисан?

-- Кўпроқ бозорга қатнайман. Дадам менинг ўрнимни босасан, дейдилар. Одам яхши яшши учун бизнес билан шугуланиши, кароччи, ишлармон бўлиши керак экан.

-- Ўзинг ким бўлиши орзу қиласан?

-- Менни? Учувчи бўлсанм қандай яхши бўларди. Мазза-де, тушларимда самолётда учеб чиқаман.

-- Агар сен ҳозирдан чекиб бораверсанг катта йигит бўлганинча юрагинг ва ўнсанда касаллик бўланади. Касал ва нимжон

йигитлардан, менинча, яхши учувчи чиқмаса керак. Ўзин умуман касал одамлар ҳаётда кўп нарсанинг улдасидан чика олмайдилар.

Ишлармон бўлган тақдирингда ҳам баривир соғлом бўлганинча мол-мулкинг кўзин га кўринади, тўғрими?

Шундай экан, чекиш роҳатми ёки?

Йигитчаларда бир оз ўзгариш пайдо бўлди. Сал уялганда айроқ кўринидилар кўзимга. Сиз ҳам яхшилаб эътибор бериб эслаб кўринг, балки танирсиз бу йигитчаларинг ким эканликларини...

БОЛАКАЙ?

Суҳбатни
МУХТАСАР қозоғга
тушириди

борган одам) кам гапирсин. Иккичидан, саллатунини йиртиб, улоқтириб йигламасин, ортиқча оҳ-воҳ қўлмасин. Учинчидан, қўлини кўксига уриб, юзини юлиб дод солмасин. Тўртнчидан, беҳудага бемъани гапларни гапирмасин. Бешинчидан, мотам эгаларига сабру қаноат тиласин. Олтинчи ва еттингидан, қўлидан нима келса ёрдам берсин. Саккизнчидан, марҳумнинг ўлимидан ўзига ибрат олсин, яъни ўлим ўзининг бошига ҳам келишини ўйласин.

Эй дўст, ибрат олувчи кўз бўлса сенда,
Кўшини ўлимни ёрқин мисол-ку бунда.

Хусайн Вонз КОШИФИЙнинг
"ФУТУВВАТНОМАИ"
СУЛТОНИЙ ёхуд жавонмардлик тартиқати
рисоласидан

бундай бузилишлар кўпроқ намоён бўлади.

Чекадиган қизларнинг ранги заҳил, нософлом, сўлғин, териси бўш бўлади, ажин эрта тушади. Бунинг устига овози бўғиқ, дагал, оғзидан бадбўй ҳид келиб туради. Сурункали чекини деярли барча касалликларнинг кечишини оғирлаштиради. Чекувчилар бронхитлар, зотилжам, ҳатто ҳавзли ўスマлар билан чекмайдиган кишиларга нисбатан кўпроқ оғрийдилар.

Социологларнинг кутишиларига қараганда, ҳар еттита ёш қиздан олтиласи фақат олифтагарчилик учун чекишаркан. Кашандалик, бир қадаҳ шароб сурури бир жом қайту келтиришини наҳотки билишмаса?! Наҳотки, соғлом фарзанд кўриш орзусидаги аёл кўлига оғу тўла қадаҳ олишдан, лабига сигарета қистиришдан лаззатланса?! Ахир ёшларда учраб турадиган йигирмадан ортиқ жинсий касалликларнинг аксарияти ичиш ва чекиш оқибатида юзага келади-ку!

АГАР АЁЛ МАСТ БЎЛСА...

Юон афсоналарида Зевс ва Геранинг ўғли олов худоси Гефест чўлоқ қилиб тасвиранган. Чунки, у отаси маст пайтида она қорнида бунёд бўлган...

Қадимда бир до-н и ш м а н д а н : "Одамни нима бахти қилиди, бойлики ёки шоншұхратмии?" -- деб сўрабдилар. "На бойлик, на шоншұхрат одамни бахти қила олмайди. Тани жони соғ гадо ҳар қандай касалманд подшоҳдан бахтироқидир", -- деб жавоб бериди донишманд.

Алкоголинг эмбрион, она қорнидаги зурриёд ва болага кўрсатадиган заҳарли таъсирининг механизми биз ўлаганимиздан анча мураккаб. Бу ўринда, биринчидан спиртли ичимликларнинг эркак ва аёл жинсий хужайраларига бирдан тасир қилиб, уларни заҳарлаб қўйишини (мас-тлик вақтида ҳомиладор бўлиш), иккичидан оғироёқли аёл иччилик ичадиган бўлса, она қорнидаги эмбрион ёки болага заҳа тегишини, уччинчидан сурункали алкоголизмда жинсий безларга зарар етишини унумаслигимиз керак.

Темир ҚУРБОН



ЖАНОЗАЯ БОРИШ ОДОБУ

Агар жанозани або этишининг нечта қоидаси бор, деб сўрасалар, бешта деб айтгил: аввал шуки, жанозанинг (марҳум тобутининг) орқасидан бориш керак. Иккичидан, агар қуввати етса, тобутни олиб юрганда ёрдам берши шарт. Учинчидан, хўжакўрингиз, риёзасидан жанозага бормасин. Тўртнчидан, қабристонга етганда, марҳумни дағиғ этиши, қабрига гишиш ташиш, тершиш ва тупроқ тортишга кўмаклашиши лозим. Бешинчидан, марҳумни (майитни) яхшилик билан хотираш даркор.

ШАБДИЯ БОРИШ ОДОБУ

Агар таъзияга боришнинг одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айт. Биринчидан, (таъзияга